2009-yil 28-aprel № 51 (2620) seshanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Инсонни чинакам бахтиёр қила оладиган икки хил хоҳиш бор — одамларга яхшилик қилиш ва соф виждонли бўлиш.

**Уилям ШЕКСПИР**

Анжуман





# Моҳиятни англаш

***Тошкент банк коллежида Тошкент вилояти ва пойтахтимиз лицей ва коллежлари раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобини ўрганиш юзасидан анжуман бўлиб ўтди.***



**Коллеж раҳбари Зайниддин Худойбердиев** анжуманни очар экан, қуйидагиларни баён этди:

— Аввламбор, бу ерга йиғилишимиздан асосий мақсад жаҳонда рўй бераётган иқтисодий инқирознинг моҳиятини ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида таълим олаётган ёшларга янада чуқурроқ етказишдан иборат. Чунки уларга бу жараённи оддий тилда, тушунарли тарзда етказиш барчамизнинг бурчимиздир. Шу ўринда таъкидламоқчиманки, янги ўқув йилидан бошлаб лицей ва коллежларда иқтисодиёт асослари фанидан махсус курс ўқитилиши режалаштирилмоқда.

**Қаландар Абдураҳмонов, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси Тошкент филиалининг ректори:**



— Молиявий-иқтисодий инқироз деярли бутун дунёни қамраб олаётганлиги, талаб ва савдо ҳажмининг камайиб бораётганлиги кўплаб давлатларга салбий таъсир ўтказаяпти. Масалан, ишчи кучини оладиган бўлсак, хорижга ишлаш учун кетган одамлар қайтиб келишаяпти. Улар у ерда маблағ йўқлигидан ортга қайтишга мажбур бўлишди. Яқинда Россияда бўлиб, Давлат Думасида иқтисодий инқирозга қарши чоралар мавзусидаги семинарда иштирок этдим. Унда давлат ташкилотлари вакиллари қатнашди. Жаҳонда рўй бераётган иқтисодий инқироздан қандай чиқиш масаласи кўрилди.

Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишни кузатсак, инқирознинг таъсири у қадар сезилмайди. Бунинг сабабларини ҳамда бундан кейин инқирозга қарши кўрилаётган чораларнинг моҳиятини катта-катта аудиторияларга етказишимиз лозим.



**Алишер Ваҳобов, Тошкент молия институти ректори:**

— Иқтисодий инқирознинг асосий сабаби нима? Биринчидан, бозор иқтисодиётида учта асосий қонун бор. Булар: талаб-таклиф, рақобат ва баҳо. Ана шу уч жараённинг бузилиши жаҳонда иқтисодий инқирозни келтириб чиқарди. Дунё аҳолисининг йилдан-йилга параметри ошаётганлиги ҳам юқоридаги уч қоиданинг бузилишига олиб келди. Шу билан бирга, ҳар қандай ислоҳотни давлат тартибга солиши лозим. Бозор иқтисодиётида, қайси давлат бўлмасин, ҳукумат ислоҳотчи бўлмаса, иқтисодиётда турли салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкин. Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобини талабалар орасида содда ва қулай йўллар билан тушунтиришнинг аҳамияти катта.

Шунингдек, тадбирда Тошкент ислом университети ректори Равшан Абдуллаев, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси Тошкент филиали профессори Людмила Шибаршова, Тошкент молия институти Молия-банк ходимлари малакасини ошириш тармоқлараро институти директори Шоҳмансур Шоҳаъзамий, молия институти ўқитувчиси Одил Сатторов, Тошкент молия-иқтисодиёт коллежи директори Улуғбек Иноятов, Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази директори Одил Абдураҳмонов жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаблари, мамлакатимизда унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар моҳиятига доир маърузалари билан иштирок этдилар.

**Нарзулла МАХАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

◇ Минтақавий ўқув-семинар

# Долзарб вазифалар масъулияти

***Ўз сафига миллионлаб кишиларни бирлаштирган Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.***

«Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳамда Президентимизнинг 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори республикамизда таълимни тубдан ислоҳ қилиш, мазкур тармоқ вакилларининг ижтимоий-иқтисодий ва касбий кафолатларини таъминлаш масалаларига янада чуқурроқ ёндашишга имкон берди.

Соҳа ходимлари ва талабаларнинг ҳаётий манфаатларини ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларининг ҳимоячисига айланган тармоқ касаба уюшма ташкилотлари янги вазифалар масъулиятини теран ҳис этган ҳолда фаолият кўрсатмоқдалар. Улар бозор иқтисодиёти жараёнида ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида иш юритиб, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларини тўлақонли жорий этиш, таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш каби долзарб вазифаларга катта эътибор бермоқдалар.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ, тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Ҳозирги пайтда тармоқ касаба уюшмаси таркибида 11 минг 549 та ташкилот мавжуд бўлиб, шулардан юридик мақомга эга 11087 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган. Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали 2 миллион 200 мингдан ортиқ кишининг манфаатлари ҳимоя қилиниши назарда тутилган.

Марказий кенгашнинг иш режасига кўра, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш ҳамда бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида, жойларда минтақавий ўқув-семинарлари ўтказилмоқда. Қаршида беш кун мобайнида бўлиб ўтган ўқув-семинарда Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари туман мактаблари бошланғич ташкилотлари раисларидан юзга яқин киши қатнашди.

«Қашқадарё соҳили» санаторийсида уюштирилган бу кўнгилли тадбир қатнашчилари имтиёзли йўлланмалар билан таъминланиб, ҳам дам олиб даволандилар, ҳам ўзларининг назарий билимларини оширдилар, бошланғич ташкилотлар ташкилий-услубий ишларини кучайтириш юзасидан ўзаро тажриба алмашдилар.

Семинарда тармоқ Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Муроджон Шарифжонов «Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси III қурултойи қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида» маъруза қилди.

Республика халқ таълими вазирининг ўринбосари Йўлдош Асадовнинг Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалиётга татбиқ этиш юзасидан қилган маърузасида жойларда олиб борилаётган ишлар чуқур таҳлил этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойи қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкиллаштириш, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини ўрганишга бағишланган чиқишлар, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

Қуйи ташкилотларда Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунлар, бошқа ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар талаблари қандай бажарилмоқда? Ижтимоий шерикчилик тамойиллари қай даражада адо этиляпти? Бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ушбу жараёндаги ўрни ва иштироки, республикамизнинг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни, унинг ижроси, касаба уюшма маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва бошқа ечимини кутаётган долзарб масалалар хусусида ҳам қизғин мулоқотлар бўлиб ўтди.

Ўқув қатнашчилари Қарши шаҳридаги Нодирабегим номли ихтисослаштирилган бошланғич мактаб, мактабгача тарбия мажмуаси ва вилоятнинг қатор мактаблари раҳбарияти ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ҳамкорликда олиб бораётган ишлари билан танишдилар. Ўқув-семинар қатнашчилари ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

**Иззат Қурбонов — Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 3-мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси:**

— Биз жарқўрғонлик Ҳайит Искандаров, бойсунлик Аҳмад Қурбонов, сариосиёлик Эшниёз Сафаровлар билан ҳам мириқиб дам олдик, ҳам касаба уюшмалари иш тажрибалари билан яқиндан танишдик. Бундай ўқувларнинг тез-тез ўтказиб турилиши айни муддаодир.

**Дилфуза Назарова — Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 6-мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси:**

— Ўқув машғулотлари ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтди. Ўзаро тажриба алмашдик. Таълим муассасалари касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини яхшилашга қаратилган таклифлар ўртага ташланди.

**Нормат Бадалов — Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 25-мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси:**

— Ҳар бир киши ўз билимини ошириб бориши керак. Биз ўқиш билан бирга уюштирилган маданий-маърифий тадбирлар, савол-жавоблар, викториналарда ҳам фаол иштирок этдик.

Ўқув-семинар якунида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Н.Акбаров касаба уюшма ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида атрофлича тўхталди.

Семинар иштирокчилари учун воҳанинг тарихий-маданий ёдгорликлари, қадимий ва ҳамиша навқирон Қарши, Шаҳрисабз шаҳарларига саёҳат уюштирилди, вилоят санъаткорлари томонидан концерт дастурлари намойиш этилди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Бугунига ишонган юртнинг эртаси ҳам порлоқ

## Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов билан суҳбат

**— Қаердаки ўтган замон феълига камроқ мурожаат қилиниб, ҳозирги вақт учун аҳамиятга молик бўлган долзарб масалаларга кўпроқ эътибор қаратилса, ўша жойда иш олдинга босади. Айнан шунинг учун ҳам суҳбатимизни бугун амалга оширилаётган ва бутун йил учун режалаштирилган энг муҳим вазифаларга қаратишдан бошласак.**

— Жавобга киришишдан аввал бир нарсани эслатиб ўтишни истардим. Гарчанд ҳар бир йил ўзига хос мезонларга кўра белгиланса ҳам, уларнинг туб моҳияти битта: янада улуғвор муваффақиятларни қўлга киритиш ва янада яхшироқ яшаш учун замин яратиш. Шундан келиб чиқиб мушоҳада юритадиган бўлсак, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида амалга оширишни ўйлаб қўйган ишларимиз ҳам ўтган йилларда бизни янги-янги марраларга қанотлантирган орзу ва мақсадлар билан муштаракдир. Давлат дастурларининг бир неча йилни мўлжаллаб тузилиши ҳам фикримизни тасдиқлайди. Мана, мисол учун «Саломатлик» дастури доирасида касаба уюшмаларининг спортни ривожлантириш бўйича ташаббусини вилоят ҳокимияти қўллаб-қувватлаб, қарор қабул қилди. 19 та стадион, бассейн ва кўплаб спорт майдончалари бугун ҳар қачонгидан-да тиғиз фаолият юритмоқда. Энг муҳими, йирик корхоналарда спорт йўриқчиси лавозими тикланмоқда. Вилоятда ҳар ойнинг охирги шанбаси «Саломатлик куни» деб белгиланган.

Хабарингиз бор, яқинда кураш бўйича Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Халқаро турнир ғоят юқори савияда ўтди. Бунда вилоят касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмасига қарашли «Алпомиш» стадионида амалга оширилган тубдан таъмирлаш ишлари ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилди, дейишимиз мумкин. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» бўйича Дастур тадбирларида йил давомида таниқли спортчилар, Жаҳон, республика биринчиликлари, Олимпия ўйинлари ғолиблари ва совриндорлари билан учрашувлар ташкил этиш кўзда тутилгани ҳам бежиз эмас. Токи фарзандларимиз ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етсин ва бунда кимлардан ибрат олишни билсин.

Дастур тадбирларида «Ташаббус» кўрик-танловида чорва маҳсулотини етказишда ғолиб деб топилган фермер учун махсус соврин ҳам мавжуд бўлиб, бу, аслида, қишлоқ аҳлини гўшт, сут, асал, балиқ каби маҳсулотларни кўпроқ етиштиришга рағбатлантириш юзасидан бевосита касаба уюшма ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг навбатдаги бир кўринишидир. Дастурга мувофиқ, «Наврўз» байрами кунларида боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 30 бош қорамол топширилади.

Эътиборли жиҳати, касаба уюшмалари фаолиятини йўналтириб турадиган синалган ва ишончли барометр бор. Бу — жамоа шартномалари ва келишувлар. Умуман, 2009 йилда қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган 15 минг нафар кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатилади, болалар соғломлаштириш оромгоҳларига 1000 та йўлланма қиймати тўлиқ қопланади, кам таъминланган, ёлғиз, ёрдамга муҳтож бўлган ёш оилаларни, ногирон ва етим-есирларни талаб асосида тиббий кўрикдан ўтказиш ва амбулатор шароитида бепул даволаш йўлга қўйилади...

Бир сўз билан айтганда, касаба уюшма қўмитаси, фаолият кўрсатаётган ҳар бир ташкилот, муассаса ва корхонада ўз йўналиши ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда инсонга наф келтириш борасида лозим бўлган барча ишлар амалга оширилади.

**— Касаба уюшмалари ташаббускорлиги билан бошқа жамоат ташкилотларидан ажралиб туради. Вилоят тармоқ кенгашлари томонидан илгари сурилган қайси ташаббусларни эътирофга лойиқ, деб ҳисоблайсиз?**

— Улар кўп. Сўзни барча тармоқ кенгашлари зиммасига катта масъулият юклаган соҳа — чорва маҳсулотлари етиштириш бўйича қилинаётган ишлардан бошласам. Мен юқорида айтиб ўтдим: гўшт, сут, асал, балиқ... Эндиликда қуёнчиликни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратиладиган бўлди. Дарвоқе, вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгаши Хонжиза олмазорлари, гулзорлари қўйнида асаларичилик бўйича ёрдамчи хўжалик ташкил этди. Натижада, бешта иш ўрни очилди.

Касаба уюшмалари фаолияти ниҳоятда серкўлам. У кириб бормаган мавзунинг ўзи йўқ. Бинобарин, бу билим ва тажриба ҳам шунга яраша бўлишини тақозо этади.

Яқинда Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси вилоят вакиллиги жамоатчилик асосида ва иш жойидан ажралмаган ҳолда ишлаётган касаба уюшма раислари ўртасида ўқув-машғулот ўтказди. Етакчилар нафақат бир-биридан қизиқарли маърузаларни тинглашди, балки баҳс-мунозараларда ҳам фаол иштирок этишди. Уларга вакиллик томонидан шу йил чоп этилган касаба уюшма ташкилоти фаолияти, меҳнат муҳофазаси ҳамда миллий ғоя ва мафкура тарғиботига оид учта қўлланма тақдим этилди.

Таълим ва фан ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгашлари ҳам ҳамкорликда жойларда «Аёл ва замон» мавзусида тадбир ўтказишга келишиб олишди.

Бошқа тармоқ вакиллари хусусида ҳам бундай илиқ фикрларни айтиш мумкин.

**— Фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган ҳамда касаначилик билан машғул кишиларни касаба уюшмалари сафига жалб қилиш қандай бормоқда? Улар аъзолик афзалликларини ҳис қилиб яшаяптилар, дейиш учун асослар етарлими?**

— Мана бу қоғозга бармоқ босинг, мана бу жойга имзо чекинг, деса нималигини тушунмай енгини шимарадиган одамлар энди қолмади. Замон ҳам ўзгарди. Ўзбекистон КУФК 2006 йил 22 декабрдаги II Мажлиси қарорини ҳаётга татбиқ эта бориб, вилоят касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси кенгашида ишчи гуруҳи тузилиб, нодавлат, нотижорат ташкилотларда, фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган ҳамда касаначилик билан машғул кишиларни сафимизга жалб қилиш юзасидан амалга оширилган тарғибот-ташвиқот ишлари ўз натижасини берди, албатта. Гуруҳ томонидан тарқатилган «Касаба уюшмасига аъзолик нима беради?» деб номланган қўлланма, айтиш мумкинки, ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмади.

Айниқса, фермер хўжаликларини оптималлаштириш бўйича саъй-ҳаракатлар айни муддао бўлди. Эндиликда фермер хўжаликлари йирик меҳнат жамоаси бўлиб, бу касаба уюшма фаолиятини янада кучайтириш имконини беради.

Натижада, бугунги кунда мавжуд 6903 та пахта-ғалла, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, сабзавотчилик, боғ ва узумчилик ҳамда бошқа соҳаларга ихтисослашган фермер хўжаликларининг 5283 таси тармоқ хизмат доирасига тортилиб, уларда меҳнат қилаётган 212 мингдан зиёд ишловчилар касаба уюшма аъзолигига жалб этилди ва улар тўлиқ жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинди.

Албатта, ҳаёт тасодифларга тўла. Кўнгилга хиралик солувчи воқеа-ҳодисалар ҳам юз бериб туради. Ким ноҳақ ишдан бўшатилганлиги ҳақида шикоят қилса, ким иш ҳақини ўз вақтида ололмаётганини айтади. Санаторийларга йўлланмалар ажратиш борасидаги мурожаатлар ҳам талайгина. Ҳаммасидан иш жараёнидаги бахтсиз ҳодисага учраганлик тўғрисидаги аризалар юракни ларзага солади. Ўтган йили шундай шикоятлардан 16 тасини кўриб чиқишимизга тўғри келди. Улардан 14 таси ижобий ҳал этилиб, ҳозирги кунга қадар фуқароларга жами 49 миллион 486161 сўм миқдорида товон пули ундириб берилди. 2 та мурожаат юзасидан судга даъво аризаси киритилган бўлиб, улар назоратда турибди.

Маълумки, касаба уюшма барча органларининг асосий мақсади, бу ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайдиган таклифлар ҳамда мажбуриятларни ўз ичига олган тўлақонли жамоа шартномасини тузишга эришишдан иборатдир. Музокараларга тўғри ёндашилган тақдирдагина ҳам иш берувчи, ҳам ишловчи баб-баравар манфаатдорлик ҳис қилади, бошқача айтганда, аъзолик афзаллиги амалда намоён бўлади.

Бугун бизнинг барча ҳаракатларимиз ана шунга қаратилгандир.

**— Муносиб иш ҳақи ва ижтимоий ҳимоя — энг яхши рағбат. Шу ҳақда гап кетганда, қайси корхона ва ташкилот касаба уюшма қўмиталари фаолиятини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин?**

— Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича Ҳаракат тартиби қабул қилинган бўлиб, тармоқ касаба уюшмалари ушбу масала бўйича ҳар ойда мониторинг ўтказиб бормоқда ва барча қуйи ташкилотлардан ҳам шундай қилишни талаб этмоқда. Натижада, жойлардан, бошқарма, идора ва статистика органларидан олинган маълумотлар асосида қарздорликни тугатиш чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, ўтган йил давомида иш берувчилар олдига иш ҳақидан қарздорликни узиш бўйича 18 та расмий талабнома қўйилиб, 248,4 миллион сўм, маҳаллий ҳокимият органларига 8 та мурожаат асосида 147,3 миллион сўм, прокуратура органлари орқали 54 миллион сўм, ҳуқуқий инспекторлар ёрдамида 240,7 миллион сўм иш ҳақи ундирилди. Ушбу масала 19 марта касаба уюшма йиғилишларида, 8 марта раёсат йиғилишларида кўриб чиқилди.

Ишчи-хизматчи борки, маоши ўз вақтида берилишинигина эмас, у ҳар жиҳатдан муносиб ҳаёт кечириш учун етарли даражада бўлишини истайди. Айнан шу жойда касаба уюшма ташкилотининг сўзи ва иш берувчи билан музокара юритиш қобилияти асқотади. Бунда ижтимоий ҳимоянинг турли шакллари қўл келиши мумкин. Денов туманидаги «Сурхонозиқовқатсаноати» акциядорлик жамияти (860 аъзо), «Шўрчидонмаҳсулотлари» ОТХЖ (1160 аъзо) ҳамда «Тўпалангсувгэсқурилиш» МЧЖ (1199 аъзо) касаба уюшма қўмиталари фаолияти, айниқса, ибратлидир.

*(Давоми 2-бетда)*

# Бугунига ишонган юртнинг эртаси ҳам порлоқ

**Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов билан суҳбат**

*(Боши 1-бетда)*

«Жаркўрғоннефтниқайтаишлаш» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган Саодат Хўжамбердиева ушбу мавзуда гап кетганда, фахрланишга арзигулик рақамларни тилга олади: Жаҳон иқтисодиётида шу кеча-кундузда юз бериб турган бўҳронларга қарамай, корхона ишчи-хизматчиларининг иш ҳақи ҳамон 550-600 минг сўмни ташкил этмоқда. Турли байрамлар муносабати билан жамоа шартномасида белгилаб қўйилган мукофотларда ҳам узилишлар бўлаётгани йўқ.

Дунёвий муносабатларни бир ҳақиқат бошқаради, бу — адолатдир. Қаерда ушбу таомилга риоя қилинса, иш ўз-ўзидан илгарилаб бораверади, манзиллар яқинлашади, орзулар ушалади. Бу юмушларнинг барчасида касаба уюшмаларининг ҳеч кимникига ўхшамаган ўзига хос сўзи ва ўрни бор.

**— Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган йигит-қизларнинг аксарияти қишлоқ фарзандлари. Бинобарин, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги уларнинг билими ва малакасига ҳам бевосита боғлиқ. Улар яхшироқ ва янада имтиёзлироқ шароитда ўқишлари учун касаба уюшмалари томонидан қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?**

— Бири ниҳоятда бой, бири ниҳоятда билимли икки киши баҳслашиб қолибди. Қандай муаммо учраса, ҳар ким ўз имкониятига қараб иш кўрибди. Аввалига бой одамнинг омади чопган бўлса, кейинроқ ўртада тенглик юзага келибди, бора-бора бойнинг мол-мулки тугаб, билимлининг измига юришни маъқул кўрибди.

Бу бир ривоят, албатта. Лекин ибрат олишга арзигулик ривоят. Азал-азалдан бобокалонларимиз билимга чанқоқ бўлишган. Бизнинг томирларимизда уларнинг қони уфуриб турибди. Мустақиллик янада кенг уфқларни очиб берди, ғайрат-шижоат бахш этди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмасининг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» бўйича дастур-тадбирларида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган кўп болали оилаларнинг иқтидорли фарзандлари учун касаба уюшмалари устама стипендиясини жорий этиш, 14 нафар талаба учун контракт пулларининг бир қисмини тўлаб бериш кафолати белгилаб қўйилганким, бу ҳам маълум маънода ёшларга имкон даражасида қулай шарт-шароит яратиб бериш мақсадига хизмат қилади.

Кези келганда яна бир жиҳатга эътиборингизни қаратаман: тармоқ касаба уюшма кенгашининг «Касб-ҳунар коллежи — касаба уюшма туман, вилоят кенгаши — иш берувчи» учлигидан иборат ҳамкорлигини йўлга қўйиш, шу тариқа коллеж битирувчиларини ўз мутахассислиги, касби бўйича доимий иш билан таъминлашни яхшилаш юзасидан берган таклифи ҳам диққатга сазовордир.

Шунингдек, билим юртларида таълим олаётган ёшларга шарт-шароит яратиб бериш мақсадида «Талабалар турар-жойларини оталиққа олиш тўғрисида» қарор қабул қилинган бўлиб, хусусан, Термиз озиқ-овқат саноати касб-ҳунар коллежи ёшлари вилоят кенгаши шафелигига умид қилишлари мумкин.

**Суҳбатдош:**
**Зайниддин РИХСИЕВ**

# Асосий мақсад — ҳуқуқий ҳимоя

***Ходимларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан биридир. Шу мақсадда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгашида малакали ҳуқуқшунос ва мутахассислар фаолияти йўлга қўйилган.***



«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида касаба уюшмалари маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идорасининг меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этишини назорат қилиб бориши, аниқланган камчиликларни бартараф этишни талаб қилишга ҳақлилиги белгиланган. Яратилган имкониятдан келиб чиқиб, вакиллик органи сифатида тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини, айнан ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, меҳнат таътили бериш, интизомий жазо чорасини қўллаш, иш ҳақини тўлаш ёки меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича иш берувчиларнинг қонунга биноан иш юритиши мунтазам назорат қилиб келинмоқда.

Вилоят кенгашига 243 та бошланғич ташкилот бирлашган, жамоа шартномалари 53.829 нафар аъзонинг манфаатини ҳимоялашга хизмат қилаяпти.

Жамоа шартномаси ва келишувларида ходимни иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишдан олдин касаба уюшмасининг розилигини олиш шарт этиб белгиланган.

Вилоят кенгаши мунтазам равишда ходимларнинг ҳуқуқий билимларини ошириб, қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни тарғиб қилмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда вилоятдаги барча тиббиёт муассасаларининг раҳбарлари, касаба уюшмалари фаоллари, ходимлар бўйича нозирлар ва ҳисобчилар иштирокида 5 марта «Соғлиқни сақлаш муассасаларида Ўзбекистоннинг меҳнатга оид қонунларига риоя қилиниши» мавзусида ўқув-семинарлар ўтказилди. Уларда қонунларни қўллашда юзага келадиган долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилинди ва мутахассислар томонидан қатнашчиларнинг саволларига жавоблар берилди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан қишлоқларда жойлашган соғлиқни сақлаш муассасаларига кўмаклашиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Чунончи, вилоят кенгашининг мутахассислари бир қатор қишлоқ врачлик пунктларига бориб касаба уюшмаларига ёрдам кўрсатишди ҳамда мазкур пунктлар мустақил юридик шахс сифатида фаолият кўрсатаётганлиги учун уларнинг мудирларига амалдаги қонунлар юзасидан тушунтиришлар берилди.

Вилоят кенгаши томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастури доирасида соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда қишлоқ врачлик пунктларининг раҳбарлари учун услубий қўлланма ишлаб чиқилди. Улар ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари иштирокида семинарлар ўтказиш режалаштирилган.

2008 йили вилоят кенгашида меҳнат муносабатларига оид 7 та ёзма ариза ва 30 та оғзаки, 2009 йилнинг ўтган даврида эса 5 та ёзма, 27 та оғзаки мурожаат кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди.

**Кимё НАИМОВА,**
**соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгашининг раиси**

(h)

# 28 апрел — Бутунжаҳон

***Яратганнинг марҳамати кенг. Нимаики нозил этган бўлса, бари инсон бахт-саодати, унинг фаровон ҳаёт кечириши учун. Кўзгу олдига келинг-да, ўзингизни бир назардан ўтказинг. Қошу киприкларни қўя туринг, ҳатто қулоқ супрасидаги майин укпарларнинг ҳам ўз вазифаси бор. Ҳамма нарса муҳофазаланган, ҳамма нарсанинг эгаси бор. Академик шоиримиз айтганидек, қилич бор, қалъа бут, қўрғон саломат...***

— Зиммамизга юкланган вазифа нимаси биландир шифокорларнинг юмушини эслатади, — дейди ЎзКУФК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси Йўлдош Ёдгоров. — Улар ҳам беморни даволашдан кўра касалликнинг олдини олишни афзал билишади. Ахир, томчилаб томирга юборилаётган «осма укол» муолажаси қандай натижа беришини жон ҳовучлаб кутгандан кўра, об-ҳавога қараб нима еб-ичишу қандай кийиниш, қайси дармондорилар кўпроқ фойда келтириши юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориш осонроқ-да. Бизда ҳам шундай: меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муайян тушунчага эга бўлган ходимлар, табиийки, етарли шарт-шароит яратиб беришни талаб қилишнигина эмас, балки унга оғишмай риоя қилишни ҳам унутмайдилар. Бу — ишлаб чиқаришда унумдорликка эришиш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун кафолат деганидир.

**— Гапингизнинг мазмунидан, аввал — профилактика, сўнгра — амалий ишга эътибор қаратиш керак, шундайми?**

— Йўқ, ҳар иккиси бир-бирини тўлдирган ҳолда баб-баравар олиб борилгани маъқул. Чунки уни қил, буни қилма, деган билан ўша ишнинг ўзи бўлмаса, бари фойдасиз. Ҳар қандай билим амалиёт билан мустаҳкамлансагина самара келтиради. Аксинча бўлса-чи, чанг-қурум босиб, сийқалашиб, хотирадан ўчиб кетади.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан ҳамкорликда давлат техник нозирлари, касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ва муҳандислар иштирокида йил давомида семинарлар ўтказиш юзасидан жадвал тузилиб, унга қатъий амал қилиб келинаётгани ҳам бежиз эмас. Шу кунгача водийда — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги корхона ва ташкилотлар вакиллари билан шундай анжуманлар ўтказилди. Май ойида Бухоро ва Қашқадарё, июнда Тошкент шаҳрида мутахассислар ўқуви бўлиб ўтади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорликда «Аёллар қўлда юк кўтаришлари ва ташишлари бўйича йўл қўйиладиган чегаралар санитария нормалари»га асосан аёлларнинг конституцион ҳуқуқларини ҳимоялаш, ишловчи аёлларнинг меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий ҳимояси, уларга иш жойларида нормал, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган

## Иш жойи унум ҳам,

меҳнат шароитларини амалга ошириш бўйича ҳудудларда корхона ва ташкилотларнинг раҳбар ходимлари иштирокида семинар машғулотлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Бунинг эътиборли жиҳати шундаки, иш бошқарувчи ёки унга ўз хатти-ҳаракати билан маълум даражада таъсир кучини ўтказиш имконияти бўлган шахслар, шубҳа йўққи, семинар машғулотлари чоғида олган билимларини амалиётда қўллашдан манфаатдор эканликларини чуқурроқ ҳис қиладилар. Қолаверса, бу ўз-ўзидан, жамоа шартномасига, хусусан, унинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бандларига бўлган муносабатни яхши томонга етаклайди. Натижада, кеча бу ҳақда эшитишни истамаётган одамларнинг ўзи ташаббускорлик кўрсатиб, ходимларни қайта ўқитиш, уларнинг тушунчаларини ошириш ва албатта, зарур шарт-шароитларни яратиб бериш юзасидан чора-тадбирлар белгиламоққа бошлайдилар. Бундай ўзгаришдан фақат қувониш даркор.

**— Сўнгги икки-уч йил ичида ушбу соҳада олдинга томон катта силжишлар юз берди. ЎзКУФКда меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими тикланди, вилоятларда шундай бўлимлар ўз фаолиятини бошлади. Тошкентда мазкур масала юзасидан Халқаро конференция ташкил этилди. Юқорида тилга олиб ўтилган ўқув-семинарлар...**

— Эрталаб туриб, юз-қўлни ювиб кичиклар катталарга салом бериши, катта-




◇ **Излаган имкон топар**

# Фаолиятдан кўнгил тўлаяптими?

***Баъзилар фалокат юз берганида: тақдирида бор экан-да, дея — ўз-ўзларига таскин бергандек бўлишади. Аслида, гап «тақдирда ҳам», «пешонасига ёзилганида» ҳам эмас. Бахтсиз ҳодиса эҳтиётсизлик оқибатида юз бериши мумкин. Масалан, Наманган телеком филиалида ўн йилдан ортиқ вақтдан буён бирор марта кўнгилсиз ҳодиса юз бергани йўқ. Сабаби, бу ерда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича катта ишлар қилинмоқда.***

— Аввало, шунча вақтдан бери тинч, осойишта, соғ-саломат ишлаётганимиз учун шукрона айтишимиз керак, — дейди вилоят телеком филиали меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик бўйича етакчи мутахассиси Моҳиржон Муқимов. — Аввало, бу ходимларга меҳнат шароити яратиш бўйича зарур тадбирлар амалга оширишга катта эътибор берилаётганлиги туфайлидир. Ҳар бир ишловчининг шахсий ҳимоя воситалари, керакли асбоб-ускуналар, меъёрий ҳужжатлар ва махсус кийим-бош билан таъминланиши қаттиқ назоратга олинган. Вақти-вақти билан уларнинг малакалари ошириб борилаётир. Бизда билимлар синовини ўтказиб бориш қатъий йўлга қўйилган...

Моҳиржон Муқимов ҳаёт қозонида қайнаб, обдон пишган инсон. Бу соҳага ишга ўтгач, меҳнат муҳофазасига эътибор янада кучайтирилди. Маъмурият олдига қатор талаблар билан чиқди. Бунинг учун 12 миллион сўм маблағ ажратилди. Эндиликда оддий ходимдан тортиб, муҳандисгача махсус кийим-бош ва пойабзал билан ишлашаяпти. Ходимлар белгиланган муддатда тиббий кўрикдан ўтказилиши одатий ҳолга айланди. Меҳнат назорати йиллик бизнес режага киритилган. Шу соҳага ажратилган маблағ сарфи қатъий назоратга олинган. Чунончи, ташкилотда меҳнат муҳофазаси учун йилда 48 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган бўлиб, ноқулай шароитда ишлаётганлар учун устама ҳақ тўлаш йўлга қўйилган. Сут ҳамда сут маҳсулотлари ўз вақтида бериляпти. Масалан, бу йил шу мақсад учун салкам 7 миллион сўм маблағ сарфлаш мўлжалланган.

Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги хоналари ва жадваллар, кўргазмали қуролларни кўриб, қониқиш ҳосил қилдик.

— Бизда меҳнат хавфсизлиги ҳолати 3 босқичда назорат қилинади, — дейди М.Муқимов, — Ҳар ой биринчи ҳафтасининг биринчи сешанба куни касаба уюшма вакили билан меҳнат хавфсизлиги талабларининг бажарилиши бошқарма бошлиғи ва етакчи мутахассис иштирокида кўриб чиқилади. Эртасига шу йўналишдаги махсус комиссия аъзолари иштирокида олдинги текширув натижалари бажарилиши назоратдан ўтказилади. Текшириш натижалари юзасидан баённомалар тузилади ва раҳбарлар иштирокида муҳокама қилинади, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур вазифалар белгиланади.

— Ҳали амалга оширадиган ишларимиз анчагина, — дейди Моҳиржон Муқимов. — Мазкур ўта муҳим тадбир вилоятнинг ҳамма туман ва шаҳарларида бир текис бораётгани йўқ. Масалан, Поп боғланмасида бўлганимизда таъмирлаш бригадасида монтёрлар асбоб-ускуналар ҳамда ҳимоя воситаларининг соз-нosoзлигини текшириб кўрмасдан ишга чиқишаётганлигига гувоҳ бўлдик. Учқўрғон телеком боғланмаси биноси ҳовлисининг санитария ҳолати талабга жавоб бермайди. Табиийки, йўл қўйилган барча камчиликлар юзасидан баённомалар тузилди. Мақсадимиз битта — ҳамма жойда, ҳар бир ташкилотда белгиланган талаблар бўйича иш юритилишига эришишдир.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Совуққонлик қимматга тушди

***Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва Меҳнат Кодексида белгиланган талабларни бажариш мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар бир корхона ва ташкилот учун устувор ва муҳим вазифа саналади. Аммо, шунга қарамай баъзи меҳнат жамоаларида бу ҳолга лоқайд муносабатда бўлмоқдалар. Сирдарё туманидаги «Бахт-Мой-Инвест» хусусий корхонасида рўй берган бахтсиз ҳодиса ҳам шундай совуққонлик туфайли содир бўлди.***

**Сабоқ**

Сирожиддин Раҳмонов шу куни хусусий корхонада ёлланма ишчи сифатида иш фаолиятини бошлаганди. Ходимни ишга қабул қилиш вақтидаёқ маъмурият томонидан қўпол хатога йўл қўйилди. Чунки С.Раҳмоновнинг меҳнат дафтарчаси ҳам бўлмаган, унинг илгари қаерда, нима иш билан машғул бўлганлиги ҳам номаълум эди. Боз устига, С.Раҳмоновга техника хавфсизлиги қоидалари, кириш йўриқномалари тушунтирилмади. Шу сабабли, ёш ишчи дастлабки иш кунидаёқ бахтсиз ҳодисага учради.

Ҳали иш моҳиятини тўлиқ англаб етмаган, иш жараёни билан яқиндан таниш бўлмаган С.Раҳмонов омборнинг олд қисмига тўкилган чигит уюмини узатиш мосламасига (шнекка) туширмоқчи бўлади. У кетмон билан чигитни мослама устига тортаётганда эҳтиёткорликни бир зум унутди. Сирожиддиннинг ўнг оёғи мослама устига ўрнатилган темир тўсиқнинг очилиб қолган жойига тушиб кетди ва қаттиқ шикастланди. Яхшиямки, бу ҳолатни ишчилардан бири кўриб қолади, ва мосламани дарров ўчириб, С.Раҳмовнинг оёғини чиқариб олади, акс ҳолда...

Жабрланувчига ўша заҳотиёқ тиббий ёрдам кўрсатилди. Бахтсиз ҳодиса юзасидан текшириш ўтказилганда, корхонада Меҳнат Кодексининг 82-моддаси талаблари бузилганлиги аниқланди. Яъни, С.Раҳмонов ўзбошимчалик билан оғзаки келишув асосида ишга қабул қилинган. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1996 йил 14 августда 273-сон билан рўйхатдан ўтган «Меҳнатни муҳофаза қилиш борасида ишни ташкил қилиш тўғрисида»ги услубий низомнинг 150-, 158-моддалари бузилган. Бахтсиз ҳодисага йўл қўйган мутасадди шахсларга қонун доирасида чора кўрилди.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

# Ҳамиша эътиборда

***Уч муҳим йўналиш — бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда ишчи-хизматчиларга хавфсиз иш шароитларини яратиш касаба уюшмаларининг бирламчи вазифалари сирасига киради.***

Республика автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ўз тасарруфидаги кенгаш ва вакилликлар, бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорликда ушбу йўналишда қатор ишларни амалга оширмоқдалар.

— Тармоқда «Иқтисодиётнинг барча бўғинларида меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз иш шароитларини таъминлаш муаммолари» мавзусига бағишлаб ўтказилаётган семинарлар ҳам мазкур масаланинг ниҳоятда долзарблигини исботлаб турибди, — дейди Марказий кенгаш бўлим мудири Маматқул Бегматов. — Ходимларни бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ҳамда Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг қайта ишланган лойиҳаси Олий Мажлисда кўрилганлиги ҳам бежиз эмас. Шунга жавобан, иш жойларини аттестациядан ўтказишга катта аҳамият қаратяпмиз. «Ўзавтодарётранс-ИЛМ» давлат илмий-услубий марказида эса 144 соатлик дастур асосида мутахассислар ўқитилмоқда.

**— Ҳар бир ишни тўлақонли амалга ошириш учун қўлни қўлга бериб ишлаш тақозо этилади.**

— Дарҳақиқат, халқимизда қарс икки қўлдан чиқади, деган мақол бор.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси билан биргаликда олиб бораётган ишларимиз ўз самарасини бермоқда. Мазкур компанияга қарашли корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари учун меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ёнғиннинг олдини олиш тадбирлари бўйича намунавий йўриқномалар икки тилда чоп этилиб, тарқатилди.

Шунингдек, ушбу долзарб масала тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг раёсат мажлисларида ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинмоқда. «2008 йилда тармоқда меҳнатни муҳофаза қилиш ва жароҳатланишларни олдини олиш тўғрисида», «Меҳнат муҳофазасини ташкил этиш бўйича жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан» кўрик-танловнинг якуни тўғрисида»ги масалалар шулар жумласидандир.

**— Қаерда бошланғич ташкилот кучли бўлса, ўша ерда меҳнат муҳофазаси ҳам яхши йўлга қўйилган бўлади...**

— Тўғри айтдингиз. Бунга «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасига қарашли 2519-автожамланмасини, Чирчиқ шаҳридаги 15-автокорхонани, Андижон вилоятидаги автокомбинатни, Самарқанд вилоятидаги 2522-автожамланма каби бир қатор корхоналарни мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, Самарқанд халқаро давлат аҳамиятидаги автомобил йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган корхонада ҳам жамоа шартномасига меҳнат муҳофазаси бўйича кўплаб бандлар киритилган ва улар ҳаётда ўз аксини топаяпти.

Бу каби корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган вакил, жамоатчилик комиссиялари ва уч поғоналик назоратлар кўнгилдагидек ташкил этилган. Лекин тармоқдаги айрим корхоналарда меҳнат муҳофазаси масаласига кўнгилдагидек ёндошилмаётгани ҳам бор гап. Оғир, зарарли иш шароитларида ишловчиларга бепул бериладиган сут ва сут маҳсулотлари, шунингдек, махсус кийим-бош ҳамда шахсий ҳимоя воситалари таъминотида узилишлар бўлмоқда. Ҳозирги вақтда янги ташкил этилган йўловчи ва юк ташиш билан шуғулланаётган корхоналарда ишловчилар сони 100-120 нафардан зиёд бўлгани ҳолда, касаба уюшма сафларига жалб этиш ишлари ниҳоятда суст кетмоқда. Касаба уюшма ташкилоти янги тузилган жамоаларнинг айримларида жамоа шартномалари қабул қилинмаган. Ички меҳнат тартиби ишлаб чиқилмаган. Ҳаракат хавфсизлиги бўйича йўриқномалар йўқ. Меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари суст олиб борилаяпти.

Тўғри, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар сони йилдан йилга камайиб боряпти. Лекин ўз фаолиятимиздан қониқиш ҳосил қилишга асло ҳаққимиз йўқ. Бутун эътиборни ишлаб чиқаришда биронта ҳам бахтсиз ҳодиса содир этилмаслигига қаратишимиз зарур.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Меҳнатни муҳофаза қилиш куни

## Бехатар бўлса сифат ҳам бўлади

лар эса алик олиши қанчалар фарз бўлса, меҳнат муҳофазаси ҳам ҳеч қачон ёддан чиқмайдиган, хотирадан ўчмайдиган, ҳар он, ҳар лаҳза эслаб туришга арзийдиган соҳадир. Чунки кейинги пушаймондан фойда йўқ. Айнан эътиборсизлик туфайли бахтсиз ҳодисалар юз бериб турибди. Хусусан, қишлоқ хўжалик техникаларининг носозлиги, кўнгилдагидек таъмирланмаётганлиги тез-тез панд бермоқда. Бундан нафақат иш берувчилар катта миқдорда зарар кўрмоқдалар, энг ёмони, одамлар жабр чекмоқдалар. Ўтган йилнинг феврал ойида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ўқув марказида ХМТ Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун Субрегионал бюросининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси Викинг Хузберг меҳнат муҳофазасига бағишланган семинарда келтирган маълумотларга қараганда, дунё бўйича йил сайин иш жойида 2 миллион 200 мингдан зиёд киши ҳаёт билан видолашмоқда. Умуман, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар сони 270 миллионни ташкил этади. Бугина эмас, қарийб 160 миллион киши меҳнат фаолияти билан боғлиқ касалликлардан азоб чекмоқда.

Ўқув-семинарлар ва соҳага оид турли йиғинлар сони тобора ортиб бораётганлиги ҳам аслида шундан. Ҳар йили 16-17 мингдан зиёд меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларимиз ўқитилмоқда. Қолаверса, аксарият корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ҳолати юзасидан уч босқичли маъмурий-жамоатчилик назорати йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

**— ЎзКУФК раёсатининг «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови ўтказиш тўғрисида»ги қарори бу йўналишдаги ишларни янада жонлантиради, албатта. Қарорда, жумладан, «жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларига касаба уюшмалари фаоллари учун меҳнат муҳофазаси бўйича қўшимча ҳуқуқлар ва ваколатлар, имтиёзлар ва устунликлар ўрнатилиши, энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари киритилишига эришилсин», дейилади. Амалда у қандай исботини топмоқда?**

— Хабарингиз бор, бултур августда 2006-2007 йиллар якуни бўйича ғолиблар эълон қилинди. Бугун Қорақалпоғистон республикаси Элликқалъа туман марказий шифохонаси, Фарғона вилояти «Кварц» акциядорлик жамияти, Андижон вилояти Хўжаобод тумани 9-умумий ўрта таълим мактаби касаба уюшма қўмиталари фаолияти барча жойларда атрофлича ўрганилмоқда.

Шунингдек, кўрик-танлов «ЎзКУФКнинг меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши комиссияси» ва «ЎзКУФКнинг меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакили» номинациялари ғолибларини ҳам эълон қилган эди. Ўйлайманки, келгуси йили ҳар уччала йўналиш юзасидан кўрик-танлов иштирокчилари янада кўп бўлади. Сабаби оддий. Авваламбор, меҳнатни муҳофаза қилишнақадар муҳим масала эканлигини эндиликда ҳеч ким инкор этмайди. Қолаверса, корхона ва ташкилотлар томонидан ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар қатъий назоратга олинди. Чунки ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касаллиги ўрнини тўлдириш қийин бўлган жуда катта моддий ва маънавий йўқотишларга сабаб бўлади. Иш берувчининг мақсади эса бошқа — камроқ сарф-харажат қилиб, кўпроқ даромад олиш. Бас, шундай экан, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва изчиллигига хизмат қиладиган барча йўналишлар, хусусан, меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур маблағларда «тежамкорлик» кетмайди.

Ҳеч нарса, ҳатто, миқдори бир неча миллион сўмни ташкил қилган товон пуллари ҳам инсон қайғусини юмшата олмайди.

**Муҳаммад ЗАЙНИДДИН**
**суҳбатлашди**

# Ош тузи нега йодланмаган?



**Мухбиримиз бонг уради**

Маълумки, «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилган. Аммо шунга қарамай, Ғузор тумани ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўтказилган текширишларда бу борада жиддий камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, туман ҳудудида ош тузи ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахслар рўйхатга олинмаганлиги, айрим савдо ходимлари ва тадбиркорлар томонидан истеъмолга яроқсиз ош тузлари четдан олиб келиниб, пулланаётганлиги маълум бўлди.

Бозор ва дўконларда Сурхондарё вилояти «Хўжаиконтуз» очиқ ҳиссадорлик жамияти, Тошкент шаҳридаги якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда Қаршидаги «Тиссот люкс» таъминот ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланган ош тузлари истеъмолчиларга сотилган. Умуман, туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази томонидан йил давомида 785 килограмм ош тузи истеъмолга яроқсиз, деб, топилган.

Ҳозирга қадар ош тузи таркибидаги йод миқдорини аниқлаш бўйича 137 та синалмалар олиниб, умумий овқатланиш корхоналаридан 42 таси, савдо шохобчаларидан 46 та, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналардан 10 та, мактаб ошхоналари ва даволаш-профилактика масканларидан 6 тасининг туз намуналари лаборатория текширувларидан ўтказилганда, 72 тасида туз таркибидаги йод миқдори давлат стандарт талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Жумладан, «Азиза», «Истиқбол», «Ашуров Лазиз» хусусий савдо дўконлари, «Дагар бобо», «Бободеҳқон — 2002» ошхоналари, «Лола», «Қуёшча», «Наргиз», «Наврўз», «Ғунча», «Парвоз», «Орзу», «Гулдаста», «Сумалак» мактабгача таълим муассасаларида йод миқдори энг кам бўлган ош тузлари ишлатилган.

Ўтказилган текширишларда шу нарса аён бўлдики, «Билол стар» ва «Муртазоев Дилшод» хусусий фирмаларига қарашли нон ишлаб чиқариш цехларида доимий равишда сифатсиз ош тузларидан фойдаланиб келинган. Шунингдек, йод танқислиги касалликлари профилактикаси билан боғлиқ идора ва оммавий ахборот воситалари, ҳудудда фаолият кўрсатаётган нодавлат ташкилотлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилмаган ва 2009 йил учун маҳаллий дастур ишлаб чиқилмаган. Кўриниб турибдики, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари хизмат вазифасига нисбатан совуққонлик билан ёндашиб келишган, амалдаги қонуннинг ижроси устидан етарли назорат ўрнатмаганлар.

Ҳа, соғлигимиз ўз қўлимизда. Озгина масъулиятни ҳис қилиб, йодланмаган ош тузини дўкон ва бозорларга киритмасак, инсон саломатлигини асрашга катта ҳисса қўшган бўламиз.

**И. ИСОМИДДИНОВ**




# «Хавфсизлик — кўз билан қабоқ орасида»

***«Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Акбар Маматқулов газни олтингугурт бирикмаси ва углеводород оксидидан тозалаш цехига етиб келганида, меҳнат жараёни қизғин давом этаётганди. Раис цех бошлиғи Дилшод Худойназаров билан айланиб, ходимлар билан суҳбатлашди.***

**Репортаж**

Ҳамма жой саранжом-саришта. Ишчи-хизматчилардан ҳам ҳеч қандай эътироз эшитмагани учун кўнгил таскин топди. 1985 йилда фойдаланишга топширилган, ҳозирги кунда ҳар бири соатига 500 минг кубометр газни тозалаш қувватига эга бўлган юз кишилик жамоада хавфсиз меҳнат заруратга айланган.

Цеолит ер-захира тозалаш қурилмаси мураккаб механизм. Унинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш учун жуда аниқлик ва эҳтиёткорлик зарур.

— Хавфсизлик техникаси қоидалари бузилиши ва бахтсиз ҳодисаларга йўл қўйилаётгани йўқ, — дейди цех бошлиғи Д.Худойназаров. — Ушбу кўрсаткичларга эришишимизда фидойи ходимлардан ва ёш мутахассислардан А.Хуррамов, С.Шаймуродов, О.Ҳатамов, А.Эшмаматов ва меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакиллар И.Рўзиев, З.Ибодов ва Ж.Чориевларнинг хизмати катта бўлди.

Хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси ҳолатларини яхшилаш, меҳнатни муҳофазалаш бўйича жамоатчи вакиллар назоратини кучайтириш юзасидан барча шароитлар яратиб берилган. Корхонанинг «Шўртан» кони, углеводородли газдан конденцатни тозалаш, конденцатни барқарорлаштириш, пропан-бутан аралашмаси каби цехларида бунга алоҳида эътибор берилаяпти. Жамоатчи вакилларни махсус дастур асосида ўқитиш ва фаоллар вакилларини йил давомида рағбатлантириб бориш йўлга қўйилган.

Касаба уюшма қўмитаси раиси ҳар куни режа асосида цехлардан бирини айланиб чиқиб, ҳақиқий аҳвол билан танишади. Камчиликларни рўй-рост айтади, нуқсонларни бартараф этиш юзасидан ўз маслаҳатларини беради.

Яқинда иш берувчи ва касаба уюшма ташкилоти ташаббуси билан «Энг маъқул меҳнат — бу хавфсиз меҳнат» шиори остида «Хавфсиз меҳнат учун» кўрик-танлови ўтказилди.

Ушбу тадбирда серводородли ва углеводород оксидли компрессорлаш цехи ғолиблар сафидан ўрин олди. Цех бошлиғи Сайдулла Шоймуродовнинг таъкидлашича, ўзига хослиги бўйича МДҲ давлатларида ягона ҳисобланган ушбу цех хом ашёни унитар корхонанинг тайёрлаш ва қайта ишлаш цехларига бир маромда етказиб бермоқда.

Корхонада мураккаб технологияларни маҳаллий мутахассислар бошқаришаяпти. Исомиддин Одилов, Давлат Аҳмедов, Ғани Шарипов, Ўктам Нуриддиновлар топширилган ишга юксак масъулият сезган ҳолда ёндошмоқдалар. Цехга Франция давлатининг DRESSER-RANO компаниясидан келтирилган 4та компрессор роторлари ўрнатилган.

— Корхонамизда меҳнат муҳофазаси тадбирларига 687 миллион 180 минг сўм сарфланди, — дейди бош муҳандис О.Қурбонов. — Ходимлар махсус кийим-кечак, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, сут маҳсулотлари, дори-дармонлар билан бепул таъминланишмоқда. Меҳнат қонунларига мувофиқ иш жойларини паспортлаштириш ўз вақтида ўтказилаяпти. Барча ходимлар тиббий кўрикдан ўтказилган. Тест синовлари асосида уларнинг билимлари синаб кўрилди.

«Энг намунали цех», «Энг фаол ва билимдон меҳнат муҳофазаси вакили» йўналишларида ўтказилган кўрик-танловларда корхонанинг 3481 кишилик жамоасида меҳнат қилаётган 40 га яқин цех ва бўлимлар фаол иштирок этди.

Иссиқлик ва газ таъминоти цехи бошлиғи Чори Ортиқов таъкидлаганидек, хавфсиз меҳнат маданиятини шакллантириш давр талабидир. Бунинг учун жамоага қарашли ўрта-кичик қозонхона цехлар ва турар-жойларни иссиқ сув ва юқори даражали буғ билан таъминлаяпти.

— Меҳнат жараёнида инсон соғлиги ва меҳнат қобилиятини сақлаш, унинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган барча ижтимоий-иқтисодий, техникавий, тиббий-гигиеник ва ташкилий тадбирлар уюшқоқлик билан амалга оширилаётганлиги туфайли меҳнат унумдорлиги ортиб, маҳсулот сифати яхшиланиб борაяпти, — дейди корхона раҳбари Илҳом Норчаев.

Шу кунларда Қашқадарё гиганти «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси раҳбарлари ва мутахассисларининг иши янада кўпайган. Мақсад — соҳада биронта бахтсиз ҳодиса содир этмай, мамлакатимиз равнақига баракали ҳисса қўшиш.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Солияжон Матёқубова илғор фермерлардан. Мана, ўн беш йилдирки, шартномавий режаларини ошириб бажариб келади.**

# Фермер хўжалигида

## меҳнат муҳофазасига эътибор қандай?

— Ҳозирда 130 гектардан зиёд еримиз бор, — дейди у.— Пахта, буғдой етиштирамиз, пиллачилик қиламиз. Ўтган йили юртбошимиз вилоятимизга ташриф буюрганларида, даладаги буғдойнинг ҳаммасини давлатга топширамиз, деб ваъда бергандим. У киши қўлларимни сиқиб, менга омад тилаганларида вужудимни чексиз ҳаяжон қоплади. Учрашувдан кейин ваъдамнинг устидан чиқа оламанми, деб кўп ўйладим. Фермер хўжалигимизнинг 46 ишчи-деҳқони бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилдик. Ниҳоят, шартномавий режадаги 160 тонна ўрнига, 200 тонна буғдой топширишга муваффақ бўлдик. Натижада, 52 миллион сўм даромад қилиб, ушбу маблағга техника сотиб олдик.



Бугун Янгибозор туманининг «Хушнуд» фермер хўжалиги ихтиёрида 2 та МТЗ, 1 Олтой, 2 та Т 28, 1 «Қозоғистон» русумли тракторлар, ОВХ пуркагичлар бор. Фермер шу кунларда комбайн олиш тараддудини кўрмоқда.

Опа билан суҳбатимиз бевосита ишчиларга яратилган иш шароитлари, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида давом этди.

— Фермер хўжалиги раҳбари ишчиларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратиши, уларни техника хавфсизлиги қоидалари билан таништириши ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаши шарт, — дейди опа. — Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишидан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда улар меҳнатини муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини текшириб бориш вазифалари фермер хўжалиги раҳбари зиммасига юклатилади.

Фермер опа бир сўзли раҳбар, тез-тез мутахассислар иштирокида ишчилар билан меҳнатни муҳофаза қилишга доир суҳбатлар ташкил қилиб боришни канда қилмаяпти. Шу билан бирга, ишчиларнинг бу борадаги билимларини текшириб туришни ҳам унутмайди.

— Бундай қилишимнинг яна бир сабаби бор, — дейди Солияжон. — Бундан йигирма йиллар аввал пудратчи сифатида ишлаб юрган кезларим, меҳнат хавфсизлиги қоидаларини билмаслигим оқибатида бахтсиз ҳодиса юз беришига бир баҳя қолганди. Кўйлагим узунлиги, кенглиги туфайли у агрегатга илиниб қолса бўладими! Бир амаллаб этагимни йиртиб, тортиб юбормаганимда, билмадим нима бўларди. Минг шукурким, фермерлик фаолиятимиз давомида бирон марта ҳам бахтсиз ҳодиса юз бермади. Ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда чигит экиш, озиқлантириш ишларида аёлларнинг ва вояга етмаган ёшларнинг иштирок этишини қатъий тақиқлаганман. Бундай юмушлар билан фақат тажрибали деҳқонларимиз шуғулланадилар. Уларга ҳам ҳар сафар техника хавфсизлиги қоидаларини эринмай тушунтирамиз.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши Фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят филиали, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда фермер хўжаликларида тушунтириш ишлари ўтказиш режа-жадвалини ишлаб чиқди. Ушбу режа-жадвал асосида амалий чоралар кўрилмоқда.

— Умуман, касаба уюшмалари томонидан аъзолар меҳнатини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли кейинги йилларда фермер хўжаликларида бахтсиз ҳодисалар рўй бермади, — дейди кенгашнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси Э.Бойжонов. — Жамоа шартномаларида ҳам меҳнатни муҳофаза қилишга доир шартлар кенг акс эттирилишига эришилмоқда.

**М.ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

**2005-2008 йилларда ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар ҳақида маълумот.**




**Аттанг!**

Ҳошим бир юмуш билан кўчага чиққанди маҳалладоши Турди акага дуч келиб қолди.

— Нима иш билан шуғулланаяпсан? — сўради у Ҳошимдан.

— Ҳозирча бекорман, агар бирон бир иш бўлса йўқ демасдим.

— Кечга яқин бизникига ўт, гаплашамиз.

«Яқинда нафақага чиққан одамнинг менга буюрадиган қандай иши бўлиши мумкин», хаёлидан ўтказди Ҳошим. Унча-мунча иш ўзидан ҳам, уйдагиларидан ҳам ортмасди...

Кеч пайт Ҳошим Турди аканинг уйига борди. Унинг яширинча мойжувози бўлиб, электр токига улаган, фақат ишлатадиган одам керак эди.

— Мойжувоз мендан, ишлатиш сендан, — деди гапни ҳазилга буриб уй эгаси. — Эвазига менга ҳар ойда пул бериб турасан. Фақат, ҳеч ким сезмаслиги керак. Биласан-а, бу иш қонунга тўғри келмайди.

# Эгри йўлнинг адоғи



Таклиф Ҳошимга маъқул тушди. Унинг қиладиган биринчи иши яширин цехни ишлатиш учун чигит топиш керак эди. Эртаси куни у эрталаб туман маркази Қизилтепа шаҳрига йўл олди. У ерда истиқомат қилувчи Ойтўра Жўраева чигит топиб берадиган бўлди. Шундан кейин Ҳошим Файзуллаев Турди Нажимовнинг ҳовлисидаги яширин цехда жувоз ёғи ишлаб чиқарадиган бўлди.

Бундай «тадбиркорлик»дан учаласининг ҳам умидлари катта эди. Лекин кутганинг сароб бўлиб, кутмаганинг ҳақиқатга айланса қийин экан. Текширувчилар ўтказган тадбир чоғида яширин цех фаолияти «мана мен» деб кўзга ташланиб қолди. У ерда 160 кг. техник чигит, 140 кг. чигит широти, 92 кг. жувоз ёғи, чигитни қайта ишлаш ускунаси, электр мотор, электр кабел сингарилар далилий ашё сифатида олинди. «Таъминотчи» О.Жўраеванинг уйидан яширин цехга етказиб бериш учун тайёрланиб қўйилган техник чигит ва тош-тарозилар ҳужжатлаштириб олинди.

Суд Жиноят кодекси 186-моддасининг 2-қисми «б» банди билан айбланган Ҳ.Файзуллаев, Т.Нажимов, О.Жўраеваларга нисбатан қонунда кўзда тутилган жарима жазосини қўллади. Иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган ускуналар давлат эгалигига ўтказилди. 92 кг. истеъмолга яроқсиз жувоз ёғи йўқ қилинди.

Шу тариқа яширин цех фаолияти барҳам топди. Айбдорлар жазосини олишди.

Эгри йўлнинг адоғи тез кўринади ва оқибати юзни шувут қилади. Қонуний тадбиркорлик қўллаб-қувватланиб, ҳар томонлама рағбатлантирилаётган бир пайтда бундай йўлни танлаганлар адашади.

**Азимжон ҲАФИЗОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг раиси**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!**

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши АСМ ходимлари касаба уюшмаси Бекобод туман кенгашининг собиқ раиси **Мўминжон СУЛТОНҚУЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

